

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

БОЗОРБОЕВ ШУХРАТ АБДУРАХИМОВИЧ

**ОРГАНОМИНЕРАЛ ХОМАШЁЛАРНИ МЕХАНОКИМЁВИЙ
ФАОЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ
МАШИНАСОЗЛИК УЧУН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН
КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР ЯРАТИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(материалшунослик ва металлургия йўналишлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Бозорбоев Шухрат Абдурахимович Органоминерал хомашёларни механокимёвий фаоллаштириш ва улардан фойдаланиб машинасозлик учун модификацияланган композицион полимер материаллар яратиш.....	4
Бозорбоев Шухрат Абдурахимович Механохимическая активация органоминерального сырья и разработка с их использованием модифицированных композиционных полимерных материалов машиностроительного назначения.....	21
Bozorboyev Shuhrat Abdurahimovich Mechanochemical activation of organomineral raw materials and development with their use of modified composite polymer materials for engineering purposes.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати.....	45
Список опубликованных работ.....	45
List of published works.....	45

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси В2019.4.PhD/Т158 рақам билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рўйхатга олинган.

Диссертация Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, ингилиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлари:

Абед Нодира Сойибжоновна
техника фанлари доктори, профессор

Негматова Комила Сойибжоновна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлари:

Эминов Ашрап Мамурович
техника фанлари доктори, профессор

Қодирбекова Қутпинисо Каримовна
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: [fan va taraqqiyot@mail.ru](mailto:fan_va_taraqqiyot@mail.ru), www.gupft.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2020 йил «__» куни тарқатилди.
(2020 йил «04» июнь №19- рақамли реестр баённомаси).

С.С.Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ЎзФА академиги

М.Г. Бабаханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

Н.Талипов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунё миқёсида корхоналарда ишлатиладиган машина ва механизмларнинг иш қобилиятини оширишда композицион полимер материаллардан (КПМ) фойдаланиб самарадорликни оширишга эришилмоқда. Механокимёвий фаоллаштирилган органик минерал тўлдирувчиларидан фойдаланган ҳолда юқори мустаҳкамликка эга бўлган КПМдан олинган машина деталларини ишлаб чиқиш ва уларни машина ва механизмлар ишчи органларида қўлланиши алоҳида аҳамиятга эга.

Дунёда антифрикцион-ейилишбардош композицион полимер материаллардан фойдаланиб машина ва механизмларнинг иш унумини ошириш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада модификацияланган ва янада мустаҳкам композицион полимер материаллар олиб машина ва механизмлар учун самаради антифрикцион-ейилишбардош деталларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз корхоналарида маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида юқори мустаҳкамликка эга бўлган антифрикцион-ейилишбардош деталларни олиш борасида илмий изланишлар ва чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишининг тўртинчи бандида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинган. Ушбу йўналишда механокимёвий йўл билан фаоллаштирилган ингредиентлардан юқори мустаҳкам хоссали КПМ ишлаб чиқариш асосида машина ва механизм деталларини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Органоминерал тўлдирувчиларни механокимёвий фаоллаштириш бўйича П.А.Ребиндер,

Б.В.Дерягин, Н.А.Кротова, Д.М.Мамбетов, Ю.П.Топоров, И.А.Хинт, В.П.Смилга, М.И.Молацкий, А.С. Зархин, О.А.Позняков каби таниқли олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Юқори мустаҳкамликга эга бўлган янги композицион полимер материалларни яратишда эса А. Hayashi, S. Hulemand, R. Morgen, A. D'Amore, Н.С. Ениколопов, С.Н. Журков, В.В. Коршак, В.А. Белый, А.Д. Яковлев, А.В. Струк, А.А. Берлин, М.С. Акутин, Ю.С. Липатов, С.С.Негматов, М.А.Аскарлов, С.Ш.Рашидова, А.Т.Джалилов, А.Х.Юсупбеков, А.А.Рискулов, А.С.Ибодуллаев, Ж.Х.Халиков, Р.Г.Махкамов, Ф.А.Магруппов, Р.С.Сайфутдинов, Г.Гулямов, Н.С.Абед каби таниқли олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мавжуд ишларнинг таҳлиliga кўра, органоминарал тўлдирувчиларни механокимёвий фаоллаштириш ва пахта хомашёси билан ўзаро таъсири шароитида ишлайдиган, антифрицион-ейилишбардош композицион полимер материаллар ва улардан тайёрланган деталларни яратиш етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида ушбу муаммони ечимига доир масалалар кенг ёритилиб берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида амалий лойиҳаларнинг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ППИ-12-45 «Термопластик полимерлар ва ноорганик тўлдирувчилар асосидаги антифрикцион ва емирилишга чидамли композицион материалларни олишнинг самарали техноологиясини ишлаб чиқиш ва улар асосида пахтани қайта ишловчи комплекс ишчи органлари учун эъҳтиёт қисмларини тайёрлаш» (2012-2014 йй.); ППИ-А-12-95 «Толали масса (пахта хомашёси) билан ўзаро таъсирлашувчи кристаллсимон полимерлар асосидаги антифрикцион ва емирилишга чидамли наноккомпозитларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади органоминарал тўлдирувчиларни механокимёвий фаоллаштиришнинг самарали усулини ишлаб чиқиш ва антифрицион-ейилишбардошли композицион материалларни яратиш ва улар асосида пахта тозалаш саноати машина ва механизмлари учун деталлар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

органоминерал тўлдирувчиларни механокимёвий фаоллаштиришнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва унинг машинасозлик мақсадлари учун КПМларини олишда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

юқори мустаҳкамли антифрикцион-ейилишбардошли КПМ ва улар асосида деталлар яратиш учун тадқиқот объектларини танлашни асослаш;

механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал тўлдирувчиларни олиш учун «зарбли-майдалаш-ишқаланиш» усулида ишлайдиган дисмембратор қурилмасида майдалаш жараёнини ўрганиш;

юқори мустаҳкамли КППни олиш имконини берувчи, табиий минерал тўлдирувчиларни майдалаш жараёнида механик фаоллаштирилган, механокимёвий жараёнларни ўрганиш;

механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал тўлдирувчилардан фойдаланган ҳолда, самарали композициялар таркибини яратиш ва антифрикцион-ейилишбардошли КПП ва улардан машинасозлик мақсадлари учун буюмлар ишлаб чиқариш;

пахтани қайта ишлаш машиналари ва механизмларининг ишчи органлари қисмлари учун яратилган антифрикцион-ейилишбардошли материалларни тажриба синовларидан ўтказиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида юқори зичликка эга бўлган (ЮЗПЭ) И-0760 маркали полиэтилен, 05П10/020 маркали полипропилен ва тўлдирувчилар: сажа (қурум), графит, шиша толаси, квац қуми танланган. Қарши жисм сифатида намлиги 8,0-35,0%, ифлослиги 40-3% гача бўлган кўлда терилган, С-6524 навли пахта хомашёсидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети органоминарал тўлдирувчиларни майдалаш технологик режимларига қараб механокимёвий фаоллаштириш жараёнини ўрганиш, юқори мустаҳкамли антифрикцион-ейилишбардош КППларнинг мақбул таркибларини яратиш ва улардан деталлар ишлаб чиқариш, шунингдек уларнинг иш қобилияти ва самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Органоминарал тўлдирувчиларни механокимёвий фаоллаштириш учун «зарбли-майдалаш-ишқаланиш» принципи асосида ишлайдиган дисмембратор, композицион полимер материалларни физик-механик хоссаларини аниқлашда стандарт усуллар қўлланилган. Пахта билан ўзаро таъсирда бўлган композицион полимер материалларининг антифрикцион хоссалари мажмуаси дискли трибометрда O'zDST3330:2018 бўйича ва композит материаллар намуналарини микро тузилишини ЭМВ-100 БР микроскопи ёрдамида ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

органоминарал ингредиентларни «зарбли-майдалаш-ишқаланиш» усули билан майдаланганда дисперслаш жараёнининг дисмембратор қурилмасининг параметрлари ва технологик режимларга боғлиқлик қонуниятлари аниқланган;

тўлдирувчиларни механофаоллаштириш жараёнида кимёвий реакцияларнинг ҳосил бўлиши уларнинг кимёвий таркибига ва табиатига боғлиқлиги, фаол марказларнинг ҳосил бўлиши аниқланган;

механикокимёвий фаоллаштирилган органоминарал ингредиентларнинг табиати ва миқдориға қараб ишлаб чиқилган антифрикцион-ейилишбардошли КПМ хоссаларининг ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

машинасозлик мақсадларида полиолефинлар ва механокимёвий фаоллаштирилган ингредиентлар асосида антифрикцион-ейилишбардошли КПМ яратишнинг асосий илмий ва услубий тамойиллари ишлаб чиқилган;

пахта хомашёси билан ўзаро таъсири шароитларда ишлайдиган юқори мустаҳкам хоссали, паст ишқаланиш коэффициенти ва юқори ейилишбардошликка эга бўлган механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал ингредиентли антифрикцион-ейилишбардошли композицион материалларнинг оптимал таркиби яратилган;

механокимёвий фаоллаштириш натижасида фаол эркин радикалларнинг ҳосил бўлишда тўлдирувчиларни майдалаш жараёнида кечадиган кимёвий рекацияларнинг уларнинг таркиби, табиатиға боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

органоминарал ингредиентларни механокимёвий фаоллаштириш усули ишлаб чиқилган ва «зарбли-майдалаш-ишқаланиш» тамойилиға мувофиқ ишлайдиган усул ва ускуна ишлаб аниқланган;

юқори сифатли антифрикцион-ейилишбардош КПМ олиш ва улардан буюмлар тайёрлаш учун механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал тўлдирувчилардан фойдаланиш тавсия этилган;

механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал тўлдирувчи ингредиентлар ёрдамида антифрикцион-ейилишбардош КПМларнинг энг мақбул таркиблари ишлаб чиқарилди ва пахта тозалаш саноатидаги машина ва механизмларининг ишчи органлари учун деталлар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал ингредиентлар билан тўлдирилган КПМларнинг физик-механик ва антифрикцион хоссаларини ўрганиш физик-кимёвий ва физик-механик тадқиқотлар усуллари билан асосланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларини пахта тозалаш заводларидаги машина ва механизмларининг ишчи органлариға жорий этилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий хомашёлардан органоминарал тўлдирувчиларни механокимёвий фаоллаштирилганда композицияларнинг физик-механик хоссалари, ишқаланиш коэффициенти ва ейилишға таъсир қилиш қонуниятларининг аниқланганлиги ҳамда юқори мустаҳкамли антифрикцион-ейилишбардошли ейилишға чидамли КПМ ва деталлар ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти механиккимёвий фаол тўлдирувчилар ёрдамида ишлаб чиқилган антифрикцион-ейилишбардошли КПМ асосида ишлаб чиқарилган деталларни машина ва механизмларнинг ишчи қобиятини ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашё асосида механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал тўлдирувчилардан

фойдаланган ҳолда антифрикцион-ейилишбардошли композицион полимер материалларини ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

толали масса (пахта хомашёси) билан ўзаро таъсир қилувчи антифрикцион машинасозлик КПМнинг ишқаланиш коэффиенти, ишқаланиш зонасида вужудга келган температура ва электростатик заряд миқдорини аниқлаш методлари бўйича Ўзбекистон Давлат Стандарти (O'z DSt 3330:2018) тасдиқланган («O'ZSTANDART» агентлиги «Ахборот-маълумот маркази» давлат корхонасининг 2018 йил 26 октябрдаги 1187/40-сон маълумотномаси). Натижада дискли трибометрда машинасозлик КПМни толали материаллар билан фрикцион таъсирдаги ишқаланиш коэффиенти, ишқаланиш зонасидаги ҳарорат ва трибоэлектрик зарядларни бир вақтнинг ўзида аниқлаш имконини берган.

антифрикцион полимер композицияси ихтироси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (IAP 05000, 2015 йил). Натижада пахта билан ишқаланиш шароитида ишлайдиган пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларининг мустаҳкамлиги ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

антифрикцион ёғоч-полимер композицион материал учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05068, 2015й.). Натижада машина ва механизмларнинг ишчи органларида антифрикцион композицион ёғоч-полимер материаллардан кенг миқёсда фойдаланиш имконияти яратилган;

механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал ингредиентлар ёрдамида олинган антифрикцион-ейилишбардошли композицион материаллардан олинган деталлар «Пискент пахта тозалаш заводи» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» 2019 йил 18 октябрдаги 03-18/6051-сон маълумотномаси). Натижада пахта толасини қайта ишлашда унумдорликни ошириш ҳамда машина ва механизмларнинг энергия сарфини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та Республика илмий-техник ва 3 та халқаро конференцияларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертацияни мавзуси бўйича жамми 29 илмий иш эълон қилинган. Улардан 11 илмий мақолалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацион комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда республикада 6 та ва халқаро журналларда 2 та мақола, шунингдек 2 та патент олинган ва 1 та методик қўлланма чоп этилган ва O'zDSt 3330:2018 усули ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 124 саҳифада баён этилган бўлиб, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Органоминерал хомашёларни механокимёвий фаоллаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва улардан машинасозлик мақсадлари учун композит материаллар олишда фойдаланиш имкониятлари»** номли биринчи бобида қаттиқ моддаларни механокимёвий фаоллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, механокимёвий ҳодиса ва жараённинг ҳолати ҳамда таҳлили, органоминерал хом ашёнинг механокимёвий фаоллигини нозик майдалаш орқали ўрганиш учун адабиёт ва патент маълумотлари таҳлили берилган.

Адабиётлар таҳлилидан маълум бўлдики, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида органоминерал ингредиентларни механокимёвий фаоллаштириш, мақбул технологик усуллари аниқлаш ва КПМ ҳамда буюмларни тайёрлаш жараёнлари етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида органоминерал ингредиентларни механокимёвий фаоллаштириш жараёни учун мақбул шарт-шароитларни яратишда илмий-техник ёндашувлар алоҳида ўрин тутади.


Диссертациянинг **«Маҳаллий хомашё асосида механокимёвий фаоллаштирилган органоминерал ингредиентлар учун тадқиқот объектларини танлаш ва асослаш ҳамда композит материалларни яратиш ва уларни ўрганиш усуллари»** номли иккинчи бобида тадқиқот объекти, маҳаллий хомашё асосида органоминерал ингредиентларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари, композит полимер материалларини ишлаб чиқариш ва улардан намуналар олиш усуллари, шунингдек уларнинг физик-механик ва триботехник хоссаларини ўрганиш ва олинган тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш методикаси кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«Зарбли-майдалаш-ишқаланиш усули билан ишлайдиган дисмембратор қурилмасида майдалаш орқали органоминерал ингредиентларни механокимёвий фаоллаштириш жараёнини ўрганиш ва унинг мақбул ишлаш режимларини аниқлаш»** номли учинчи бобида модулли дисмембраторнинг ишлаш тамойиллари ва уларнинг иш шароитлари, таркибий параметрларнинг дисмембратор ўрнатиш ишчи органининг тезлигига таъсирини ўрганиш натижалари, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида органоминерал ингредиентларни механокимёвий фаоллаштиришни таъминлайдиган оптимал конструкцион

параметрлари ва унинг ишлаш технологик режимларини ўрнатиш натижалари акс этган.


«Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида ишлаб чиқарилган органоминерал ингредиентларни ва минерал хомашёни майдалайдиган дисмембраторнинг диаграммаси 1-расмда келтирилган. Расмдан кўришиб турибдики, «зарбли-майдалаш-ишқаланиш» усулдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун, дисмембраторнинг ишчи органи тадқиқот давомида ўзгарадиган уч турдаги майдалаш элементининг кесимлари шакллари билан ишлаб чиқилган. 2-расмда майдалаш элементининг кесимлари шакли кўрсатилган.

Конструктив равишда, ишчи органга диаметри 150 мм бўлган, айланмайдиган диск, дискнинг сўнги текислигига бир-бирининг орасига 5 мм бўшлиқ билан икки доирада ўрнатилган, горизонтал валга ўрнатилган, электр моторига уланган айланадиган ишчи диск киради. Тадқиқот жараёнида диаметри 150 мм бўлган ишчи дискда силлиқлаш сегментлари ўзгартирилади, диск атрофи бўйлаб сегментлар орасидаги масофа 0,2 мм бўлган икки қаторда силлиқланади.



1-станина, 2-кронштейн, 3-вал, 4-бия, 5-втулка, 6,7-бармоқли диск, 8-вентиляционли диск, 9-тешикли қувор, 10-бункер, 11- бармоқли диск, 12- бармоқлар, 13-қопқоқ, 14-потрубка

1-расм. Минерал хомашёни учун дисмембраторнинг схемаси



а) - тўртбурчаклар, б) - юмалок, с) – тасвирлар

2-расм. Лаборатория дастгоҳининг силлиқлаш элементининг кесимлар шакли

Майдалаш элементлари ўрнатилган доираларнинг диаметри бу элементлар айланмайдиган дискнинг бармоқлари доиралари орасига кириши учун мўлжалланган. Электр моторининг тезлиги 750 дан 3000 айл/мин гача. Силлиқлаш элементларининг турли кесимлар шакллариининг ингичкалиги натижасида ҳосил бўлган заррачаларнинг майдаланиш таъсири ва энг мақбул кесимлар шаклини аниқлаш ўрганилди. Майдалаш элементларининг турли хил кесимлар шакллари билан намуналарини силлиқлаш ингичкалиги даражасида энг яхши натижага силлиқлаш элементларининг овал кесма шакли билан эришилади. 1-жадвалдан кўришиб турибдики, дисмембраторнинг ишчи органи силлиқлаш вақти ва айланиш тезлигининг

ошиши билан майдаланган материалларни силлиқлаш яхшиланади. Шу билан бирга, силлиқлашнинг энг яхши кўрсаткичларига ишчи органининг айланиш даражаси 2880 айл/мин ва силлиқлаш муддати 10 минут билан эришилди, силлиқлашнинг энг юқори даражаси 0,003-0,006 мм ва материалнинг чиқиши 91,3% ташкил этди.

1-жадвал

Механоактиватор моделининг ишчи органининг айланиш ваки ва тезлигига қараб майдаланган минерал хомашёни майдалаш кўрсаткичлари

Майдаланиш ваки, мин	Ишчи органининг айланишлар сони, айл/мин	Юкланувчи материалнинг зарралар ўлчами, мм	Майдаланган материалнинг ўлчами, мм	Майдаланган материални чиқиш ўлчами, %
4	180	3-6	0,098-0,105	23,5
	1500		0,071-0,076	35,6
	2880		0,041-0,049	61,3-61,9
6	750	3-6	0,075-0,080	38,3
	1500		0,045-0,050	57,6
	2880		0,030-0,035	89,4
8	780	3-6	0,073-0,079	39,8
	1500		0,042-0,048	59,2
	2880		0,029-0,034	98,8
10	780	3-6	0,052-0,059	40,1
	1500		0,031-0,037	59,6
	2880		0,003-0,006	91,3


Шундай қилиб, механоактиваторда майдалаш ваки 10 мин; ишчи органидаги минерал хомашёни майдаловчи сегментлар сони 60-80 дона чегарасида бўлиши керак; айланадиган корпус ва стационар (айланмайдиган) органининг сегментлари орасидаги бўшлиқ 0,18-0,20 мм оралиғида бўлиши керак; ишчи органининг сегментлари жойлашган доиралар сони камида 4 та бўлиши керак; диск атрофидаги майдалаш сегментлари бўйича бўшлиқ 0,2 мм дан ошмайди; сегментлари бўлган айланадиган дискнинг айланиш сони 2880-3000 айл/мин чегарасида бўлиши керак. Бу эса ишчи органининг кўрсатилган конструктив параметрлари ва технологик режимлари юқори солиштирма юзани ва кварц заррачалари юзасида фаол марказларнинг энг кўп ҳосил бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Органоминерал ингредиентларни майдалаш жараёнидаги механокимёвий ходисаларни ўрганиш ва улар асосида юқори антифрикцион ва физик-механик хоссаларига эга бўлган композит материалларни ишлаб чиқиш**» номли тўртинчи бобида Бўз (Андижон вилояти), Жамашуй (Наманган вилояти), Ёзёвон (Фарғона вилояти) ва Янгиер (Сирдарё вилояти) кварц кумларининг физик-киёмий хоссалари, кварц қуми юзасидаги механокимёвий реакцион жараёнлари ҳамда бошланғич гетероген кимёвий реакция тезлигида ҳосил бўлган узилган ва ишқаланишда ҳосил бўлган перексид структураси, шунингдек майдаланган кварц қумининг термостимуллашган электрон эмиссияси илмий-тадқиқот ишлари натижалари акс эттирилган. Кўриб чиқилган барча кумлар учун солиштирма юзаси 402-422 см/г, қуйма зичлиги 1482-1492 кг/м,

зичлиги эса 2315-2395 кг/м³ оралликда жойлашган. Биз фаол марказларнинг пайдо бўлиши ва жараённинг кинетикасини ўрганиш учун кварц деб номланган Бўз кумини танладик.

Кварцни майдалаш жараёнида юзага келадиган реакцияларни, уларни майдалаш орқали кўриб чиқамиз. Н₂ атмосферасида кварцнинг механик равишда бузилиш пайтида газнинг жадал сингиши кузатилади (5·10¹⁴ см⁻² гача). Майдалашдан кейин кварцнинг ЯМР-спектри битта чизикда (ΔH²= 90 э²) бўлади. Бу Н₂ намунада атом шаклида эканлигини кўрсатади. ИҚ-спектрида ≡ SiH гуруҳларига мос келадиган 2290 см⁻¹ чизик кузатилади. Si - Н боғи сув билан осон гидролизланади: ≡ SiH + H₂O ≡ SiOH + H₂.

Ўлчовлар шуни кўрсатдики, қисқа муддатли майдалаш пайтида, маълум бир сирт бир неча м²/г бўлганида, кварц билан реакция учун водороднинг сарфи кейинги гидролиз пайтида Н₂ чиқишига деярли тенг. Буларнинг барчаси кварцнинг водород билан механик кимёвий реакцияси учун куйидаги битта тенгламани ёзишга имкон беради:




Кварцни О₂ атмосферасида майдаланганда газнинг ютилиши 5·10¹³ см⁻² га етади, масалан, ЭПР-спектри томонидан намунанинг юзасида перексид ≡ SiOO радикаллари ≡ SiOO аниқланган. Аммо кварц билан реакцияда О₂ нинг сарфланиши парамагнит заррачалар концентрациясидан каттароқ катталиқдир. Кислород қайтарилмаган кварц билан боғланади, 400-700 К ҳарорат оралиғида десорбция кузатилади ва такрорий (десорбциядан кейин) газ ютилиши аниқланмади. Кварц кислород таркибидаги СО адсорбциясини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар бир кварц 600-700 К ҳароратда кварцни парчалаш жараёнида сўрилган О₂ молекуласи 2 та молекулани СО дан СО₂ га оксидлайди. Кварц билан реакцияга киришган О₂ нинг асосий қисми унинг юзасида кимёвий фаол, парамагнит бўлмаган шаклда бўлади. Кремнийнинг юқори оксиди йўқ, шунинг учун О₂ молекуляр перексид шаклида боғланган деб тахмин қилиш мумкин. Масалан, ≡ SiOO - OSi ≡ . Кварц юзасида О₂ нинг радикал ва молекуляр шакллари нисбати 1:7 га яқин. Кварцнинг кислород билан механик кимёвий реакциясининг Брутто тенгламасини куйидагича ёзиш мумкин: ≡ Si - O - Si ≡ + O₂ = ≡ SiOOOSi ≡ (2)


Кварцнинг янги ҳосил бўлган юзасида қандай фаол марказлар пайдо бўлишини кўриб чиқамиз. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, кварц вакуумда йўқ қилинганидан кейин унинг юзасида Н₂ ва О₂ билан реакцияга киришадиган фаол марказлар сақланиб қолган. 3-расмда Н₂ (1) О₂ (2) реакция марказлари, шунингдек кенг ҳарорат оралиғидаги радикаллар ≡ Si (3) концентрациясининг нисбати кўрсатилган. Ушбу маълумотлар вакуумда ҳосил бўлган кварц юзасида икки турдаги марказлар – Н₂ реакциясининг термик бекарор марказлари ва кислород реакциясининг барқарор марказлари барқарорлигини кўрсатади. О₂ ва ≡ Si радикалларнинг реакция марказлари бутун ҳарорат оралиғида бир-бирига тўғри келиши, шунингдек О₂ билан реакцияда ушбу радикалларнинг юқори фаоллиги, вакуумда ҳосил бўлган

сиртдаги O_2 билан кварц реакциясининг асосий марказлари бўлган радикаллар деган хулосага келишимизга имкон беради: $\equiv Si+O_2 \equiv SiOO$

Бироқ, вакуумда ҳосил бўлган сиртдаги $\equiv Si O$ радикаллари $\equiv Si$ радикаллар сингари барқарорлашади ва улар ҳам термик барқарордир. (1) схема бўйича H_2 билан реакцияга киришадиган термик беқарор марказлар таранг кремний-кислород боғлиқлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, ушбу марказларнинг термик йўқолиши эгри чизиғи (3,4-расмлар) механик ишлов беришдан кейин сирт қатламида қолган кучланиш релаксация жараёнларини акс эттиради. Бундай кучланишларнинг мавжудлиги ИҚ-спектроскопияси маълумотлари билан кўрсатилган. Кварц 3 соат майдалангандан сўнг, кремний-кислород боғлиқларининг валент тебранишлари (1100 см^{-1}) узунлиги минтақасига 10 см^{-1} тўлиқ узунлигига силжийди. Намунани 800 К га куйдирилгандан сўнг, чизиқнинг нормал ҳолати тикланади.



3-расм. H_2 (1), O_2 (2) ва $\equiv Si$ (3) реакция марказларини юмшаши 77 К да ўлчаниши



4-расм. Кварц кумининг H_2 билан реакция тезлигининг босимига боғлиқлиги 370 (1), 300 (2) ва 77 К (3)

Водород радикал марказлари билан ҳам реакцияга киришади:



Ушбу тахминларни текшириш учун куйидаги тажрибалар ўтказилди. Майдалашдан олдин кварц намунаси 1000 К да қиздирилди, кейин ҳароратни пасайтирмасдан кислород билан оксидланди. Бундан ташқари, намуна 10 минут давомида кислород атмосферасида юқори вакуум тизимида уланган кварц тебронадиган микромельницада майдаланган. Тажрибаларнинг биринчи сериясида, O_2 ни майдалагандан сўнг, кварц 50°C ҳароратда сув буғига тегди ва сууқ азот билан конденсацияланмаган газ тўпланиб, масс спектрометрия ёрдамида таҳлил қилинди. Шундан сўнг H_2O_2 концентрацияси И.Б.Колбаев томонидан ишлаб чиқилган усул билан аниқланди. 2-жадвалдан кўйиниб турибдики, 3-та тажрибада O_2 нинг ҳосил бўлиши боғланган кислород миқдорининг $50-70\%$ ни ташкил қилади. Тажриба натижалари молекуляр кислород $\equiv Si OOSi \equiv$ кўприklarининг сув буғидаги гидролизи маҳсулотларидан бири деган тахминни тасдиқлайди.




Агар гидролиздан олдин улар $\equiv Si OOSi \equiv$ водород билан ҳаракат қилсалар ва уларни реакция (7) орқали гидропероксидга айлантурса, кислород ҳосил бўлишининг олдини олиш мумкин (5-реакция). Реакция (7)

экзотермик бўлиб, 80 К да тез давом этади. Реакциянинг иссиқлик эффекти 80 ккал/молга тенг (3-жадвал).

2-жадвал

Кварц оксидланган юзасини гидролиз қилиш жараёнида кислород ва H_2O_2 ҳосил бўлиши, молекула / г · 10⁻¹⁸

№	Майдаланиш, O ₂ сарфланиши	Гидролиз	
		O ₂ ҳосил бўлиши	H ₂ O ₂ ҳосил бўлиши
1a	1,9	1,00	-
1б	1,1	0,75	0,4
2a	0,4	0,13	-
2б	0,9	0,50	0,4



3-жадвал


Водород билан тикланган кварц сиртини гидролиз қилишда H_2O_2 ҳосил бўлиши, молекула/г · 10⁻¹⁸

№	Майдаланиш, O ₂ сарфланиши	Тикланиш	Гидролиз
		H ₂ сарфланиши	H ₂ O ₂ ҳосил бўлиши
1б	0,35±0,1	0,46	0,46
2a	0,90±0,1	0,35	0,45
3a	0,65±0,1	0,35	-
3б	0,65±0,1	0,55	0,61
4a	0,40±0,1	0,33	-
4б	0,77±0,1	0,55	0,69
5a	0,65±0,1	0,45	-
5б	0,70±0,1	0,68	-
5в	0,80±0,1	0,77	0,50


3-жадвалдан кўришиб турибдики, кварц оксидланишига O₂ сарфининг миқдорий ўлчови, (7) реакцияда H₂ истеъмоли ва (5) реакцияда H₂O₂ рентабеллиги (5) боғланган кислороднинг асосий қисми (80-90%) кварц юзасида эканлиги ҳақидаги тахминни $\equiv SiOOOSi \equiv$ кўринишидаги шакл тасдиқлайди.

Ўлчов натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Аввало, кварцнинг солиштирма юзаси S ўзгаришининг майдалаш вақтига боғлиқлиги ўрганилди. Майдалаш пайтида кварцнинг солиштирма юзаси ўзгариш натижалари 5-расмда келтирилган. Ҳосил бўлишнинг дастлабки тезлиги 9,6 ± 0,5 к²/г ни ташкил қилади. 10-15 дақиқадан сўнг бузилиш тезлиги пасайишни бошлайди ва эксперимент охирига келиб тахминан 0,5 м²/г ташкил қилади. Юза ҳосил бўлиши тезлик ҳароратга (80 ва 300°К), газсимон муҳитнинг

таркибига (вакуум, H_2 , O_2 да), намуналарнинг оралик иситишига ($1000\text{ }^\circ\text{K}$ гача) боғлиқ эмас (6-расм).




5-расм. Кварцнинг солиштирма юзаси (S) ўсишининг майдалаш вақтига боғлиқлиги



6-расм. Кварц юзасини кимёвий газлар билан тўлдиришнинг солиштирма юзаси (S) га боғлиқлиги

Ишқаланиш реакциянинг бошланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш. Биз ҳар хил солиштирма юзали намуналарда H_2 нинг кварц билан ўзаро таъсирини ўлчадик. Тажрибалар атмосферада ~ 10 тор босимида ўтказилган; бу ҳолда реакция тезлиги фаол хемосорбция марказларининг ҳосил бўлиши тезлигига тенг. 7-расмда хемосорбция марказлари ҳосил бўлиш тезлигининг кварцнинг солиштирма юзасига боғлиқлигини ўрганиш натижалари кўрсатилган.



а) водород иштирокида кварц бузилиши; б) вакуумда шаклланган юзадаги хемосорбция 1-эксперимент; 2,3-ҳисоблаш


7-расм. Хемосорбция марказлари ҳосил бўлиш тезлигининг солиштирма юзасига боғлиқлиги

(7а,б) расмдаги I эгри чизикдан кўришиб турибдики, фаол марказларнинг пайдо бўлиш тезлиги солиштирма юзанинг ошиб бориши билан ортади. Парчаланиш пайтида хемосорбция марказлари янги юзада ҳосил бўлади ва уларнинг пайдо бўлиш тезлиги ($W_{\text{реак}}$) янги юзанинг $\frac{dS}{dt}$ ўсиш тезлигига тўғридан-тўғри пропорционал бўлиши керак, яъни бу ерда мутаносиблик коэффитциенти янги ҳосил бўлган сиртдаги марказларнинг концентрациясига тенг $W_{\text{реак}} = Q \frac{dS}{dt}$. Ишқаланиш натижасида реакцияни бошланиш тезлиги маълум юзасининг функцияси бўлиши керак, яъни $W_{\text{мп}} = f_{\text{мп}}(S)$. Жараённинг тўлиқ тезлиги W га тенг $W = Q \frac{dS}{dt} + f_{\text{тр}}(S)$. Нол юза орқали экстраполятция қилишда ишқаланишни қийматни эътиборсиз қолдириш мумкин, Q қиймати I графиканинг ўқи билан кесишган

нуқтасидан (7-расм, а) топиш мумкин. Маълум бўлишича, $Q = 3 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-2}$. Ишқаланиш натижасида бошланган реакция тезлиги (I эгри чизиғи) ва $Q \frac{dS}{dt}$ функцияда аниқланган умумий тезлик тезлиги ўртасидаги фарқга тенг.

$\frac{dS}{dt}$ қийматлар $S=S(t)$ эгри чизиғининг график фарқланиши билан ҳисоблаб чиқилган (7-расм). Ҳисоблаш натижалари 7-расмнинг 2-эгри чизиғида келтирилган. W_{mp} -га мос келадиган 3-чизма I ва 2-графиклар ўртасидаги фарқдир, 2 ва 3-чизмалар механохимёвий реакциянинг бошланишига бузилиш ва ишқаланиш ҳиссасини сифат жиҳатдан тавсифлайди. H_2 нинг кварц билан реакцияси пост-эффект режимида ўтказилиши мумкин. Фаол реакция марказларининг тўпланиш тезлиги газ атмосферасида бузилиш бўлишдан 10 баравар паст; маълумки солиштирма юзанинг ошиши бир сирт билан у чизиқли қонунга мувофиқ ўсади (I-эгри чизиқ 7а-расмга қаранг). Шунга ўхшаш ҳисоблаш бизга $Q = 7 \cdot 10^{12} \text{ см}^{-2}$ қийматини аниқлаш $Q \frac{dS}{dt}$ ва $f(S)$ ни топиш имконини беради (2 ва 3-чизмалар). Турли хил шароитларда H_2 вакуумида майдалаш реакция тезлигига кўра фарқ қилса ҳам, умумий манзара бир хил: заррачалар бўлиниши жараёнининг бошланишида катта роль ўйнайди, уларнинг ўнtagача етгунча $\text{м}^2/\text{г}$; $S=1 \pm 0,5 \text{ м}^2/\text{г}$ га тенг бўлса, иккала кўзгалиш йўли ҳам тахминан тенгдир; ниҳоят, сирт 3-4 $\text{м}^2/\text{г}$ дан ошгандан сўнг, ҳал қилувчи роль трендга тегишли.

H_2 хемосорбция марказларининг узлуксиз (1) ва узлукли (2) режимларда вакуумда ҳосил бўлган юзасида тўпланишини ўрганиш. 8-расмдан кўришиб турибдики, етарлича катта юзаларда реакция марказлари асосан ишқаланиш пайтида ҳосил бўлади. Ишқаланиш фаол марказларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. 8-расмнинг 2-чи эгри оралиқ рўйхатга олиш ва ривожланаётган марказларни тўсиб қўйиш билан, оралиқ майдалашда олинади. Бундай шароитда, янги пайдо бўлаётган марказлар дарҳол H_2 томонидан ўрнатилса ва кейинги трансформацияларда (деактивация, халокат) иштирок этмаса, уларнинг тўпланиш даражаси узок вақт сақланиб туради. Доимий узлуксиз майдпллш пайтида (эгри I) баъзи марказлар нобуд бўлади ва фаол марказларнинг тўпланиш даражаси камаяди.




8-расм. H_2 вакуумда ҳосил бўлган сиртдаги H_2 хемосорбция марказларининг узлуксиз (I) ва узлукли (2) режимларда тўпланиши


Дисперсланган квац қумининг термостимуллашган электрон эмиссиясини ўрганиш. Дисперсли кварц қуми ёрдамида материални бузилиш пайтида пайдо бўладиган электрон ва тешикларни ушлаб туриш марказларини аниқлаш ва ўрганиш

мумкин. Термостимуллашган электрон эмиссия (ТСЭЭ) зангламайдиган пўлатдан ясалган кюветада ювилган кварц қуми енгил кукун билан зичлаганидан 1,5-2 соат ўтгандан кейин ўлчанди. Эмиссиядан кейин ҳеч

кандай ўзгариш кузатилмади, чунки ўрганилмаган намуналардан ТСЭЭ нинг чўққилари ҳам кузатилмади. ТСЭЭ чўққилари $1,5 \cdot 10^3$ Р/с дозада рентген найча ёрдамида амалга оширилган объект кўзгалгандан кейин аниқланди. ТСЭЭ чўққиларининг баландлиги чизиқли равишда нурланиш вақтининг I дан 15 минутгача бўлган вақтига боғлиқ ва хона ҳароратида уч соат давомида сезиларли пасаймасдан қолади. ТСЭЭ типик эгри чизиқлари, майдалаш элементининг материалидан қатъий назар, тахминан 460 ва 590 К максимал бўлган иккита чўққидан иборат (9-расм). Бошқа бир хил шароитларда, юқори ҳароратли чўққилар қаттиқ қотишмالي роторлари ҳолатида яхшироқ намоён бўлади.



Рентген текширув вақти, I-I 5, 2-10, 3-5 мин
9-расм. Пўлатли ротор билан майдаланган ТСЭЭ SiO₂ чўққилар микдорининг рентгенлаш вақтига боғлиқлиги




Рентген текшируви вақти 1-5, 2-10; 3-15 мин
10-расм. ТСЭЭ нинг қаттиқ қотишмالي асбобининг айланиш тезлигига боғлиқлиги

Назорат қилинмаган экспериментал шароитлар ва эмиссия методикасининг хусусиятлари туфайли экспериментал нуқталарнинг тарқалиши жуда катта, аммо ўтказилган тажрибаларнинг кўплиги сабабли (10-расм), юқори айланишларда пасайиш тенденцияси билан ўртача боғлиқликни тўғри етказди. Мавжуд экспериментал маълумотлар SiO₂ даги ТСЭЭ чўққилари учун жавобгар бўлган тортишиш марказларини ишончли аниқлашга имкон бермайди.


Диссертациянинг «**Машинасозлик учун механокимёвий фаоллаштирилган минерал хомашёлардан фойдаланган ҳолда композицион полимер материаллар таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлиги**» номли бешинчи бобида механокимёвий активатор дисмембраторнинг экспериментал синовлари натижалари, механокимёвий фаоллаштирилган органоминерал ингредиентларнинг тажриба тўпламини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, КПМ ва буюмларнинг физик-механик ва триботехник хусусиятлари ва уларнинг техник-иқтисодий самарадорлиги берилган. Антифрикцион-ейилишбардош КПМни ишлаб чиқариш учун биз пахта билан ўзаро таъсирида, механокимёвий фаол минерал ва углерод-графит плomba моддаларининг (шиша толали, кварц қуми, графит ва сажа) юқори зичликли полиэтилен асосидаги композицияларнинг антифрикцион хоссаларига таъсирини ўрганиб чиқдик (11 ва 12-расмлар). Антифрикцион-ейилишбардошли модификацияланган КПМни ишлаб чиқариш учун минерал, толали ва углерод-графит тўлдирувчиларни танлашда тўлдирувчиларнинг ишқаланиш

